

**Қалб касалликлари
ва
мунофиқлик**

[ўзбекча]

أمراض القلوب والنفاق

[باللغة الأوزبكية]

Одил Нажмиддин

عادل نجم الدين

Нашрга тайёрловчи: Ислом Нури веб саҳифаси

المنسق للنشر: موقع دار الإسلام

Риёз шаҳри Рабва маҳалласи диний тарғибот идораси

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة بمدينة الرياض

1430 – 2009

islamhouse.com

Қалб касалликлари ва мунофиклик

Қалб касалликлари

Бизни исломга хидоят қилган, Қуръонни таълим берган, уни калбларга нур ва хидоят ҳамда турли иллатларга шифо қилган Аллохга ҳамдлар бўлсин!

Берган неъматлари ва қилган яхшиликлари учун Унга ҳамдлар айтамыз, шукрлар қиламыз.

Гувохлик бераманки, шериксиз яккаю-ягона бўлган Аллохдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ, барча мулк Уники, ҳамдлар ёлғиз Унга хосдир. У ҳамма нарсага кодирдир. Гувохлик бераманки, Мухаммад алайҳис-салоту вас-салом Унинг бандаси, элчиси ва халқи орасидан танлаб олиб ваҳийсини ишониб топширган пайгамбаридир.

Аллох пайгамбарлар орқали одамларни залолатдан хидоятга, жаҳолатдан маърифатга олиб чиқди, кўру басир кўзларни, том битган қулоқларни ва гофил калбларни уйготди. Пайгамбаримизга, уларнинг оиласига, саҳобаларига ва то киёмат уларга чиройли суратда эргашиб, йўлларидан юрган кишиларга Аллохнинг раҳмати ва кўпдан-кўп саломлари бўлсин!

Эй биродар, калб касаллигидан саломат бўлиш учун кўп куч ва вақтимизни сарфламоғимиз лозим. Зеро, калбнинг исломдаги ўрни улугдир. Калб Парвардигор назари тушадиган тавҳид, иймон ва ихлос ўрнашадиган жойдир.

Абу Хурайра розияллоху анхундан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллох саллаллоху алай ва саллам айтдиларки:

«Аллох таъоло сизларнинг ташки кўринишингиз ва молларингизга қарамайди, балки калбларингизга ва амалларингизга қарайди». (Имом Муслим ривояти)

Ибн Каййим раҳматуллох алайҳ ёзади: "Аллохнинг ҳузурида амаллар сони ёки турли-туманлиги билан эмас, балки амал эгасининг содиқлиги, ихлоси ва Аллохнинг буюқлигини идрок қила билиши билан бир-биридан афзал бўлади".

Шайхул-ислом ибн Таймия раҳматуллохи алайҳ: "Калб бу асл-асосдир" деган. Абу Хурайра розияллоху анху: "Калб аъзоларнинг подшоҳи, аъзолар эса унинг аскарларидир. Агар подшоҳ яхши бўлса, аскарлари ҳам яхши, подшоҳ ёмон бўлса, аскарлари ҳам ёмон бўлади" дедилар.

Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: *"Огоҳ бўлинглар, инсон танасида бир парча гўшт бор, агар у яхши бўлса, бутун тана яхши бўлади, бузилса бутун тана бузилади. Билинглар-ки у калбдир"*. (Яъни калбнинг яхши бўлиши аъзоларнинг Аллохга итоат қилишини таминлайди).

Хофиз ибн Хажар раҳимахуллох деди: *"Ҳадисда, калбга алоҳида эътибор берилди. Чунки у инсон жисмининг амиридир. Амир яхши бўлиши билан унинг кўл остидагилар ҳам ўнгланади. Унинг ёмон бўлиши билан бутун халқ ёмон бўлади. Бу ўринда калбнинг кадри баландлиги ва ҳалол меҳнатнинг унга таъсири борлигига эътибор қаратиляпти ва унда яхшилашга тарғиб қилиняпти"*.

Эй азиз биродарлар, – Аллох таоло сизларни ўз раҳматига мушарраф айласин – билингларки, калб уч турлик бўлади:

- 1 – Соғлом калб.
- 2 – Ўлик калб.
- 3 – Касал калб.

Биринчи : Соғлом калб:

«Ва (барча жонзот) тирилтириладиган Кунда мени шарманда қилмагин. У кунда на молу-давлат ва на фарзандлар фойда бермас. Лекин (у кунда) Аллох ҳузурига соғлом калб билан келган кишиларгагина (мана шу соғлом калб билан келишларигина фойда берур)». (Шуъаро:87-89)

Хофиз ибн Касир рахматуллох алайх, ушбу ояти каримадаги соглом калб иборасини: *"Кибрдан ва ширкдан саломат бўлган калб"* — деб шархладилар.

Косимий эса: *"Куфр ва мунофиклик касалидан, ёмон хислатлардан холи бўлган калб билан келган кишиларгагина"* — деб шархлаганлар.

Аллома ибн Каййим рахматуллох алайх деди: *"Соғлом калб унда заррача ҳам ширк бўлмай, хошиш-ирода, мухаббат, таваккул, ҳақ йўлига кайтиш, бўйсунуш, кўркув умид билан бандачилигини холис Аллох учун адо этиш каби сифатларга эга бўлган калбдир. Бундай соғлом калб эгаси яхши кўрса, факат Аллох учун яхши кўриб, ёмон кўрса ҳам Аллох учун ёмон кўради. Берса, Аллох учун бериб, бермаса, Аллох учун бермайди. Факат шу билан чекланиб колмасдан Расулulloх саллаллоху алайи ва салламга адоватда бўлган кишиларга бўйсунуш ва улардан ҳукм сўраб боришдан саломат бўлиши ҳам лозим. Яна соғлом калб ширк, гина, ҳасад, бахиллик, кибр, дунё ва мансабни яхши кўриш ҳамда Аллохдан йироклаштирадиган барча иллатлардан саломат бўлган калбдир. Бундай соғлом калб эгаси дунёда ҳам, кабрда ҳам, охират кунда ҳам жанатда бўлади. Инсон хақикий калб саломатлигига эришиш учун куйидаги бешта нарсадан:*

- 1 – Тавҳидга зид ширкдан,
- 2 – Суннатга зид бидъатдан,
- 3 – Амр ва нахийга зид шахватдан,
- 4 – Зикрга зид гафлатдан,
- 5 – Ихлосга зид хавои-нафсдан сакланмоги лозим.

Калб соғлом бўлишининг кўп яхши фойдалари бордир:

Биринчи: Калб ва нафс хотиржамлиги.

«Аллох (шундай) бир мисол келтирди: бир киши (кул) борки, унинг устида талашувчи шериклар (хожалар-эгадорлар) бор. Яна бир киши (кул) борки, бутунича бир киши (хожа) никидир. Иккисининг мисоли баробар бўлурми?! (Йук, баробар бўлмас. Худди шунингдек бир неча "худо"ларга сигинадиган мушрик билан ёлғиз Аллохга бандалик киладиган муъмин ҳам баробар бўлмас). Ҳамд (ёлғиз) Аллох учундир. Бирок, уларнинг кўплари билмаслар, (бас ана шу сабабдан турли "худо"ларга сигинулар)». (Зумар: 29)

Ибн Каййим раҳимахуллох деди: *"Аллох ўзи яхши кўрган бандаларига пок ҳаётни ваъда қилди"*.

«Эркакми ё аёлми, кимда-ким муъмин бўлган холида бирон яхши амал қилса, Биз унга (бу дунёда калби хотиржам бўладиган, – агарчи мол-дунёси кам бўлса ҳам, – саодатлик) покиза ҳаёт ато этурмиз ва (охиратда эса) қилган амалларининг энг чиройлиги баробаридаги мукофот билан мукофатлаймиз. (яъни, бу дунёда ҳам, охиратда ҳам, унга яхшилик ато этурмиз)» (Нахл: 97)

«(Иймон билан) Чиройли амал қилганлар учун бу дунёда чиройли мукофот (покиза ҳаёт) бўлур. (Бирок), шубҳа йўкки, охират диёри (дунё ва унда бор нарсалардан кўра) яхшироқдир. Такволик кишиларнинг диёрлари (охиратдаги жойлари) нақадар яхши!» (Нахл: 30)

Демак, такволик кишилар дунё ва охират роҳатиға ва покиза ҳаётга эга бўлурлар. Чунки калб поклиги, қувончи, лаззати, хотиржамлиги, мунавварлиги харом шахватларни ва ботил шубҳаларни тарқ қилиш билан бўлади. Хақикий роҳат ҳам ана шудир! Бадан роҳатини бунга солиштириб бўлмайди.

Ушбу лаззатлардан тотиб кўрган кишилар шундай деган эдилар:

"Агар шохлар ва уларнинг фарзандлари биз тотган лаззатдан тотиб кўрганларида эди, ўша лаззатни тортиб олиш учун бизга қарши қилич кўтариб жанг қилган бўлардилар".

Сиз, Аллох таъолонинг: **«Яхшилар (Аллох таъоло ҳамда бандаларнинг ҳуқуқларини поймол этмайдиган муъминлар) албатта, жаннатдадирлар. Фожирлар (Аллох таъоло ҳамда бандаларнинг ҳуқуқларини поймол этгувчи кофирлар) албатта, дўзахдадирлар!»**, (Инфитор:13,14) деган сўзини факат қиёмат кунига ҳос деб ўйламанг. Зеро муъминлар дунё, кабр ва охиратда ҳам роҳатда, кофирлар эса хар учала маконда жаҳаннамдадирлар.

Дунёда калб хотиржамлигидан улугрок ва лаззатлирок рохат борми?!
Хакикий хаёт соглом калб хаёти эмасми?!

Иккинчи: Калб кувончи ва унинг равшанлиги:

«Аллох осмонлар ва ернинг нуридир (хиссий хам маънавий нурдир. Чунки Аллох таъоло зотан нурдир, бандалардан ўзини пардалаб олган хижоби хам нурдир. Аллох таъолонинг нури билан арш, курси, куёш, ой ва ёруг жахон мунаввардир, жаннат хам унинг нури билан нурафшондир. Шунингдек маънавий нур хам Ундандир зеро, Унинг китоби, шариъти, пайгамбарлари ва муъмин бандаларининг калбларидаги маърифат нурдир) У зот нурунинг (муъминлар калбларидаги иймон ва куръон нури) мисоли худди бир токча, ичида бир чирок (токча ичида чирок нури таркалиб кетмайдиган даражада жамланур), бу чирок бир шиша ичида, у шиша гўё бир дурдан яралган юлдузга ўхшайди. У (чирок) на шаркий ва на гарбий бўлмаган (яъни на куёш чикиш ва на ботиш томонида балки, куёш чикканидан то ботгунига қадар унга тегиб турадиган, заминнинг муносиб бир ўринига жойлашган) муборак зайтун дарахти (мойи)дан ёкилур. Унинг мойи (мусаффолигидан), гарчи унга олов тегмаса-да, (атрофни) ёритиб юборгудекдир. (Олов теккач эса) нур устига нур (бўлур). Аллох ўзининг (бу) нурига ўзи хохлаган кишиларни хидоят килур. Аллох одамлар (ибрат олишлари) учун (мана шундай) мисоллар келтирур. Аллох барча нарсани билгувчидир». (Нур:35)

Ибн Каййим раҳимахуллох айтди: “Убай ибн Каъб деди: Аллох нурунинг мусулмон калбидаги мисоли: Банданинг калбига омонат килиб кўйилган Аллохни таниш, Уни яхши кўриш, Унга иймон келтириш ва Уни зикр килиш нурига ўхшайди. Бу нур Аллох бандаларига нозил килиб, шу нур билан улар калбини тирилтирган ва калбларига мустахкам ўрнатган ўзининг нуридир”.

Калб равшанлашса, чор атрофдан яхшиликлар келиб, уни зулмат коплаганда эса, хамма тарафдан мусибат ва бало булутлари ёгилади. Агар калбингизда иймон нури мустахкам бўлса, бидъату залолат, хавои-нафсга эргашиш, хидоятдан йироқлашиш, саодат сабабларидан юз ўгириб, бахтсизлик сари кетаётганингизни очиб беради. Бирок, бу нур йўколса, сиз гўё зулматда адашиб юрган кўр одам кабисиз”.

Ибн Таймия раҳимахуллох айтади: “Инсон калбининг тирик ва равшанлиги калб тузалишининг аслидир”.

«Аввал ўлик (кофир) бўлган, сўнгра Биз уни (динга хидоят килиш билан) тирилтириб, унга нур (иймон) ато этганимиз, (у) ана шу (иймон нури сабаби) билан одамлар орасида юрган, бир киши, зулматларда (колиб), ундан чиқа олмайдиган кимсага ўхшайдими?!».

Саҳих дуолардан бирида: “Куръонни калбимиз бахори ва нури килгин”, дейилган.

Учинчи: Хакни таниш, хак билан ботил орасини ажратиш, оятларни хакки рост кўра билиш ва хадислардан панд-насихат олиш:

Бу ўзидан аввалги фойдага чамбарчас боглик, чунки юкоридаги сифатлар калб тирилиб, иймон ва куръон нури билан мунаввар бўлганлигининг натижасидир.

«Эй, (Йисо алайхиссаломга) иймон келтирган зотлар, Аллохдан кўркинлар ва Унинг пайгамбари (Мухаммад алайхиссалоту вассалом)га хам иймон келтиринлар, (шунда) У зот сизларга ўз раҳматидан икки хисса ато этур ва сизларга бир нур (пайдо) килиб берурки, у (нур – яъни хидоят нури – воситаси) билан (тўгри йўлда хидоятланган холинларда) юрасизлар, хамда сизларни магфират килур. Аллох магфиратли меҳрибондир». (Хадид: 28)

Аллома Мухаммад Амин Шинкийтий раҳимахуллох Аллох таъолонинг: “**ва сизларга бир нур (пайдо) килиб берурки, у (нур воситаси) билан юрасизлар**” деган сўзини “яъни сизларга хак билан ботилнинг орасини ажратадиган илм ва хидоятни беради ” деб шархлаганлар.

Жамолиддин Косимий раҳимахуллох эса шундай дейди: “Нур – бу жаҳолат ва залолат кўрлигидан кўзни очадиган, хакни излаган кишига уни кўрсатиб берадиган нарсадидир”. Аллох таъолонинг конунига мувофик ақллари

нуксондан, калблари иллатдан саломат бўлган кишиларгина илмдан ўзларига панд-насихат олиб, унга амал қиладилар.

Эй Аллохнинг бандалари, калб согломлигининг маълум белгилари бор: Аллохга ўзини бутунлай топшириш, Унинг ҳукмига бўйсунуш, ҳар қандай ҳолатда ҳам розилик ва ҳуррамлик ила Расуллох саллаллоху алайҳи ва салламнинг суннатларига мурожаат қилиш калбнинг қай даражада эканини кўрсатиб берувчи белгилардандир.

Соғлом калб аломатларидан яна бири: Лоқайдликни ҳис этиб, кўрсатмаларга тўлиқ амал қилиш, гуноҳларга жиддий қараб, калбларнинг ҳақдан бурилиб кетишидан ва гайбларни билиб турувчи зотнинг ҳузурда туришдан кўркишдир.

«Уларнинг ёнбошлари ўрин-жойларидан йирок бўлур (яъни тунлари таҳажжуд намози учун, ширин уйқуларини бузуб, ётган жойларидан турадилар). Улар Парвардигорларига кўркув ва умидворлик билан дуо-илтижо қилурлар ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфок-эхсон қилурлар». (Сажда:16)

«Албатта Парвардигорларидан кўркиб ҳавфда турғувчи кишилар. Парвардигорларининг оятларига иймон келтирадиган кишилар. Парвардигорларига ширқ келтирмайдиган кишилар. Ҳамда, берган садақаларини (киёмат қунида ҳисоб-китоб учун) Парвардигорга қайтувчи эканликларидан диллари кўркиб турган ҳолда берадиган кишилар. Ана ўшаларгина (барчадан) ўзғувчи бўлган ҳолларида яхшиликлар қилишга шошурлар». (Муъминун: 57-61)

Оиша разияллоху анҳо: "Ё Расулulloх, Аллох таъолонинг : "Берган садақаларини (киёмат қунида ҳисоб китоб-китоб учун) Парвардигорга қайтувчи эканликларидан диллари кўркиб турган ҳолда берадиган кишилар" - деган оятнинг маъноси: зино, ўғирлик қилган ҳамда ароқ ичиб ва кўрккан кишими, деб сўрадим — дедилар. Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам: "Йўқ, эй Сиддикнинг кизи – у рўза тутиб, намоз ўқийдиган ва амали қабул бўлмаётган қилишдан кўркиб садақалар берадиган кишидир", — дедилар. (Имом Аҳмад ривоятлари).

Бухорий раҳимахуллох ўз саҳиҳида бир бобни: "Муъмин киши ўзи сезмаган ҳолда амали бекор бўлишидан ҳавф қилиш боби" деб номлаган.

Иброҳим Таймий деди: "Мен қачон сўзимни амалимга солиштирсам, ёлгончи бўлиб қилишдан кўрқдим".

Ибн Мулайка деди: "Мен Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ўттизтасини кўрдим, уларнинг ҳаммаси мунофиқликдан кўрқарди, биронтаси ҳам менинг иймоним Жаброил ёки Мийқоил фариштаннинг иймонига ўхшаш демасди".

Анас разияллоху анҳу айтадилар: "Сизлар шундай ишларни қиласизларки, улар сизларга қилдан ҳам ингичка яъни, қичкина кўринади. Лекин биз Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам замоналарида бундай ишларни ҳалок қилғувчи гуноҳлардан деб ҳисоблардик". (Имом Бухорий ривоятлари)

Қалб согломлигининг аломатларидан яна бири: Қалб хотиржамлиги, Қуръон ўқиганда ҳушў қилиш, таъсирланиш ва Қуръон ахлоқи билан ахлоқланиш.

«Улар (яъни Аллох хидоят қилганлар) иймон келтирган ва қалблари Аллохнинг зикри билан ором оладиган зотлардир. Огоҳ бўлингизки, Аллохни зикр қилиш билан қалблар ором олур». (Раъд: 28)

Имом Шавқоний раҳимахуллох айтади:

«Аллохнинг: "Огоҳ бўлингизки, Аллохни зикр қилиш билан қалблар ором олур" сўзининг маъноси: Қуръон тиловати, ҳамд, такбир айтиш, Аллохни ёлғиз деб қилиш ёки бу нарсаларни бошқалардан эшитиб Аллохни зикр қилиш ила қалблари хотиржам бўлиш демақдир».

Оғир кунда сабр қилиш ва фаровонликда шукр қилиш қалб согломлигининг яна бир белгисидир. Чунки соғлом қалб эгаси Аллохнинг хоҳиши унинг хоҳишидан афзалроқ эканлигини яхши билади.

Ибн Қаййим Жавзийя раҳимахуллох дейди: «Кишининг дунёдан узилиб бутунлай охиратга боғланиб қолиши, гўё у охират ахлидану, бу дунёда керак нарсасини олиб тезда ўз ватанига қайтадиган мусофирдек яшашидир».

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам Абдуллох ибн Умар разияллоху анхумога айтганларидек:

“Сен дунёда бир гариб ёки йўловчидек бўлгин” (Имом Бухорий ривоятлари)

Аллох зикридан чарчамаслик, Ундан бошкани сўймаслик ва доим Роббисини эслатиб турадиган ҳамда хакикат-хидоят хакида суҳбатлашадиган кишиларнигина ёқтирмак ҳам калбнинг саломатлиги белгиларидандир.

Киши намозга кирса ундан дунёнинг бутун гам-ташвишлари кетади, намоздан чиккиси келмайди. Намозда роҳат, ҳамда калб хурсандчилигини топмок ҳам калб саломатлигидандир.

Соглом калбли муъминнинг ягона гам-ташвиши Аллох розилигига етишмок бўлади.

Калби соглом инсонлар молидан кўра вақтини беҳуда кетказишдан кўрқадилар.

Амал қилишдан кўра, амални ислох қилишга кўпроқ эътибор бериш, яъни амалини ихлос билан адо қилиб, амалида муҳсин – у Аллохни кўриб тургандек ёки Аллох мени кўриб турибди деган эътиқодда – бўлишга ҳаракат қилиш, шу билан бирга Аллохнинг улкан марҳаматию, ўзининг қай даражада лоқайдлигини ҳис этиб туриш ҳам соглом калб сифатидандир.

Иккинчи: Ўлик калб: Ўлик калблар роббисини танимайди, Унинг буйруқларини бажармайди, У яхши кўрадиган ва рози бўладиган амалларни қилмасдан, шахватлар ортидан юради, Аллох рози бўладими, йўқми қизикмайди. Бундай қимсалар муҳаббат, ҳавф, умид, улуглаш ва Аллох олдида ўзини хор тутиш каби ҳислатлар билан Аллохдан ўзгага сизинувчидирлар. Агар яхши кўрса, бировнинг хоҳиши учун яхши кўради, ёмон кўрса ҳам ўшанинг хоҳиши учун ёмон кўради. Бирса бировнинг хоҳиши учун беради, бермаса ҳам ўшанинг хоҳиши учун бермайди. Ўзганинг хоҳиши унинг учун Аллох розилигидан афзалроқ ва суюклироқдир.

Ховои-нафс унинг иймони, шахват раҳбари, жаҳолат сарбони ва гафлат қарвонидир.

Насихатга қулоқ тутмасдан, шайтонлар этагини тутди. Газабланишию рози бўлишига ягона сабаб фақат ўткинчи дунё матоларидир. Ховои-нафс уни ҳақ қаршисида кўру қар қилиб қўяди.

Солиҳлардан бири деди: “Одамлар қизик, танаси ўлган кишига йиглайдилару калби ўлган кишига йигламайдилар, холбуки калбнинг ўлиши ёмонроқдир”.

Бундай калб эгаси билан бирга бўлиш касаллик, у билан дўстлашиш захар, унинг давраси эса ҳалокатдир.

Учинчи: Касал калб:

Бу калбда ҳам ҳаёт, ҳам иллат бор. Унга гоҳ буниси ёрдам беради, гоҳ униси. Унда Аллохни яхши кўриш, Унга иймон келтириш, ихлос қилиб Унга таваққул қилиш ҳам бор, – булар калбни тирилтиргувчи сифатлардир – шу билан бирга бу калбда шахватларни яхши кўриш, уларни бошқа нарсалардан устун қўйиб, ортидан югуриш, ҳасад, манманлик ва ер юзида фасод қилишни яхши кўриш каби нарсалар ҳам бор, булар эса калбни ҳалокатга олиб борувчи сифатлардир.

Шайхул-ислом ибн Таймия раҳимахуллох деди: “Калбнинг бузилиши калб касалининг бир тури бўлиб, у кишининг тасаввури ва идрокини бузади, натижада ҳақ билан ботил ўртасидаги фарқни идрок эта олмай, фойдали ҳақни ёмон кўриб, зарарли ботилни ҳуш кўрадиган бўлиб қолади. Шунинг учун баъзида калб касали шак-шубҳа деб тафсир қилинади. Мужоҳид ва Катода Аллохнинг ушбу сўзини тафсир қилиб: **“Уларнинг калбларида касал бор”**(Бақара:10), у шак баъзида эса зино шахвати деб айтганлар. Аллохнинг ушбу сўзида ҳам: **«Калбида касали бор киши таъма қилиб қолмаслиги учун»** (Ахзоб:33), яъни шахват касали деб тафсир қилинган.

Калб касал бўлса, кишига илм, маърифат, ҳикмат, Аллох таъолони яхши кўриш ва буни барча шахватлардан устун қўйиш каби ишлар оғир келади.

Кабих ишлар калби касал одамнинг дилини оғритмайди, ҳақ ва ақидани билмаслик унга алам қилмайди.

Кўпинча калб касалга чалинади, оғирлашади, баъзида ўлиб ҳам қолади. Эгаси эса буни сезмайди. У дунё билан жуда банд бўлганидан калби касал

ёки соглом эканига кизикмайди ҳам. Айрим холларда калби касаллигини сезади, лекин унга даволаниш огир туюлиб, даво машаккатидан кўра, иллатлик калб билан қолишни афзал кўради. Чунки калб шифоси хавоинафсга қарши чиқиш билан бўлиб, нафсга бу сира ёкмайди.

Ибн Қаййим Жавжийя раҳимахуллох айтади:

«Калблар уч турлидир:

Биринчи: Иймон ва барча эзгу ишлардан холи калб. Бу – зулмат билан қопланиб, шайтон васваса қилишидан хотиржам бўлиб қолган калбдир. Чунки шайтон унинг калбини ўзига ватан қилиб олган, унда хоҳлаган ҳукмини юргизади ва хоҳлаган ерига жойлашади.

Иккинчи: Иймон нури билан нурланган калбдир, эгаси унда иймон қирогини ёккану лекин унда ҳалигача шахватлар зулмати ва хавоинафс шамоллари бор. Шайтон қелиб унга ҳужумлар қилиб туради. Бу жангда баъзан у қолиб қелса, баъзан шайтон қолиб қелади.

Бундай калблар кўп ва турли-туман. Айримлари ақсар холда қолиб бўлса, баъзилари эса доим мағлуб туради. Шундай калблар борки, улар душмандан қолиб ҳам, мағлуб ҳам эмаслар.

Учинчи: Иймон билан лиммо-лим калб. Унда шахват ва зулматлар йўк, иймон доим нур сочиб туради ва бу нурнинг алангаси бўлиб, агар унга шайтон васвасаси яқинлашса ёниб қетади. У бамисоли юлдузлар билан ҳимояланган осмон қабидир. Шайтон осмонга яқинлашса, тошбўрон қилиб, қуйдириб юборилади. Осмоннинг эса муъминдан ҳурмати улуг эмас».

Калб касалликларидан бири қибрдир. Қибр калбнинг энг дахшатли ва энг огир қасалидир. У калб билан иймоннинг ўртасидаги қалин парда ва инсонни ҳақни қабул қилишидан тўсиб турадиган тўсиқдир.

Бу қасалликнинг аломати ўзини қатта тутиш, бошқаларни менсимаслик ва ҳақни тан олмасликдир.

Қибр қилишнинг ўзига бино қўйишидан пайдо бўлади. Энг дахшатлиси мутақаббир ҳақни тан олиш, тавҳид, Роббисига бўйсунушдан бош қортиш билан ҳатто Роббисидан ҳам ўзини қатта олишга ҳаракат қилади.

Қибр иблис томонидан Аллоҳга осийлик қилинган биринчи маъсиятдир.

«Эсланг, (Эй Мухаммад алайҳиссалоту вас-салом) Биз қаришталарга: "Одамга сажда қилинлар!" дейишимиз билан улар сажда қилдилар. Фақат Иблис бош қортиб, қибр қилди ва қофирлардан бўлди», (Бақара:34)

«(Аллоҳ) деди: Бас, ундан (жаннатдан) тушгин! Сен учун у ерда (жаннатда) такабурлик қилишинг жойиз эмас. Бас, қик! Албатта сен хор бўлгувчилардандирсан!». (Аъроф:13)

Аллоҳ таъоло мутақаббир, малъун иблисга ниятининг ақси билан муомала қилди ва уни хор-тахқирланган холда қикариб ташлади. Қуръони Қаримда Аллоҳнинг шайтонга қилган ҳитоби қуйидагича баён қилинган: **"сен хор бўлгувчилардандирсан", "жаннатдан жирқанч ва Аллоҳнинг раҳматидан қувилган холда қик"** (Аъроф:18) ва бундан бошқа оятлар.

Демак мутақаббир ўзи хоҳлаган улугликка эришолмайди балки унга мақсадининг ақси ҳосил бўлади.

«Аниқки уларнинг қилларида бир қибр (яъни ўзларини қиздан қатта олиш) бордир, улар ўшанга (яъни ўзлари орзу қилган қатталикка) етувчи эмасдирлар». (Ғофир:56)

Бундан бошқа ўринларда ҳам қибрдан қелиб қикадиган кўп оқибатларни баён қилди, – Аллоҳ бизни ҳам, қизларни ҳам ундан сакласин. Қибр инсонларни Аллоҳнинг оятларини тушинишдан ва улар билан ҳидоятланишдан тўсиб туради.

«Энди ерда ноҳақ қибру ҳаво қилиб юрадиган қимсаларни Ўз оят-муъжизаларимдан буруб юборурман (яъни англаб етмайдиган қилиб қўюрман)». (Аъроф:146)

Қибр дўзахга қираш сабабларидан биридир.

«...Ё жаҳаннамда мутақаббир қимсалар учун жой йўқми!?». (Зумар:60)

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **"Қалбида мисқоли зарра қибри бўлган қиши жаннатга қирмайди"**.

Шунда бир киши туриб:

“Киши либосини гўзал, пойабзалини эса чиройли бўлишини истайди”, — деди.

Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам:

“Аллох таъоло гўзалдир ва гўзал нарсани яхши кўради, кибр эса хакни тан олмаслик ва одамларни камситишдир”, — дедилар. (Имом Муслим ривоятлари)

Калб касалликларидан яна бири ўзига бино кўймок:

Дунёда ўзига бино кўйиш ва манманликдан кўра амалларни бузувчирок нарса йўк. У гунохларни унитиш ва уларга бе парво бўлишга чакиради. Бу касалликка мубтало бўлган киши баъзи гунохларини арзимас билиб эсламайди ҳам, эсига тушганларини эса парво килмай, уларни йўкотишга ҳаракат килмайди. Аллох гунохларимни кечириб юборади деб ўйлайди.

Агар баъзи яхши амалларни килган бўлса, уларни жуда катта санаб, килган ишини Аллохга миннат килади. Аллох унга шу амалларни килишга кудрат ва имконият бериб кўйганини эса эсламайди. У ўша амаллари билан завкланиб кетиб, окибатини “накд” деб ўйлайди. Чунки ўзига бино кўйган киши ўз нафси ва фикрига алданиб қолиб, Аллохнинг макри ва азобидан хотиржам бўлади, ўзини Аллохнинг хузурида олий макомдаман деб ўйлайди. Бундай одамни манманлик ўзига ҳамду сано айтишгача олиб боради. Ўзига махлиё кимсалар бировлар сўзига кулок тутишдан, билмаган нарсаларини сўрашдан уяладилар. Окибат хато йўлларида бардавом бўлиб хаётларини халокат билан якунлайдилар.

Калб касалликларидан яна бири магрурликдир:

Абу Хурайра разияллоху анху дан: Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам дедилар:

“Кибр билан кийимини тўпигидан паст килиб юрган кишига киёмат куни Аллох таъоло карамайди”. (Имом Бухорий ва Имом Ахмад ривоятлари)

Ибн Умар разияллоху анху дан: Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам дедилар:

«Сизлардан олдин ўтган халклардан бир киши кибр билан кийимини тўпигидан паст килиб юрарди, Аллохнинг буйруги билан уни ер ютиб юборди ва киёмат кунигача ерга киришда давом этади». (Имом Бухорий ва Имом Насойй ривоятлари)

Калб ўзининг мусулмон табиати билан хидоятни қабул килувчи, унга кўйилган шахват ва хавои нафсдан юз ўгирувчидир. Калбда фаришталар ва шайтон аскарлари ўртасида жанг бўлади. Кейин голиб тараф калбни ўзига ватан килиб олади, бошқаси эса унга ўгирликча хужум килиб туради. Аллох таъоло айтганидек:

«...ўзи жин ва инсанлардан бўлган, инсонларнинг дилларига васваса соладиган, (качон Аллохнинг номи зикр килинса) яшириниб оладиган васвасачи (шайтон)нинг ёмонлигидан панох беришини сўраб илтижо килурман». (Нос:3-6) Яъни качон Аллох зикр килинса кочиб, яшириниб олади, гафлат бўлса хурсанд бўлиб, эркин юради. Шайтоннинг аскарини калбдан факат Аллохнинг зикри кувиб чиқара олади, зеро, зикр бор ерда унга ўрин йўк.

Эй Аллохнинг бандалари, огоҳ бўлинг, кўп калбларни шайтонлар забт этиб, эгаллаб олган. Натижада калблар дунёни афзал билиб, охиратни ташлашга чакирадиган васвасалар билан тўлган. Шайтон калбни эгаллаб олишининг асосий сабаби шахват ва хавои нафсга эргашишдир. Энди бу калбларни хидоятга очиб бўлмайди. Калбни обод килиш эса Аллох таъолонинг зикри биландир.

Жобир ибн Убайда ал-Адавий деди: “Мен Ало ибн Зиёдга калбимда васваса борлигидан шикоят килган эдим. У шундай деди: Бу мисоли ўгрилар кирган уйга ўхшайди. Агар унда бирон нарса бўлса, иложини килиб ўша нарсани олиб кетади, илашадиган нарса бўлмаса, ноумид бўлиб кайтади”. Яъни хавои нафсдан холи калбга шайтон киролмайди, шунинг учун Аллох таъоло деди:

«Менинг (иймон-эътикодли) бандаларим устига сен учун ҳеч қандай ҳукумронлик бўлмас». (Исро:65)

Калб муолажаси

Эй Аллохнинг бандаси, агар калбингизни даволашни ва унинг согайишини истасангиз, Аллохга илтижо килинг, нафл ибодатларга мухаббат кўйинг, кечаси одамлар ухлаётганда туриб, кўзда ёш билан намозлар ўқинг. Кўп зикр килиб, яхши инсонлар билан бирга бўлинг, чунки уларнинг суҳбати касал калбнинг согайишига яхши ёрдамчидир.

«Сиз ўзингизни эртаю-кеч Парвардигорлари юзини истаб, Унга илтижо киладиган зотлар билан бирга тутунг! Кўзларингиз, хаёти дунё зийнатларини кўзлаб, улардан ўтиб, (ўзга ахли дунёларга бокмасин)!». (Кахф:28)

Азиз биродар, сиз калбингизга ёмон шубҳа, харом шахват ва бузгунчи офат киришидан эҳтиёт бўлинг, гафлатдан ва гофил бандалардан йироқ юринг. Чунки гафлат илмга карши ва уни йўқотувчидир. Аллох таъоло гафлат ахлини коралади, уларга итоат этиб фикрларини қабул қилишдан қайтарди.

«Гофиллардан бўлманг». (Аъроф:205)

«Ва Биз, калбини Бизни зикр этишдан гофил қилиб кўйган, хавойи нафсига эргашган ва килар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг!». (Кахф:28)

Бир олимдан инсон суратларига ошиқ бўлиш хақида сўралганида у дедик: “Аллох зикридан гофил калбларни Аллох таъоло ўзгаларга бандачилик қилиш билан балолаб кўяди”. Гофил калб шайтоннинг уясидир, чунки шайтон унга турли васвасаларни ва ботил хаёлларни ташлаб туради. Қачон Аллох зикр қилинса, қочиқ яширинади, Аллох зикр қилинганида у қичкина бўлиб кетади. У доим банданинг гафлатда бўлишини кутиб туради. Фурсат қелиши билан унинг калбига орзу-хаваслар, шахватлар ва ботил хаёллар уругини сочади. Натижада калбда чақир тиканлар ва баломусибатлар ўсиб чиқади. Ботил ўй-хаёллар бутун калбни қоплаб, уни кўр қилиши учун шайтон доим уларни сугориб, парваришлаб туради.

Эй Аллохим, калбларимизни такво билан зийнатлагин ва уни поклагин, Сен энг яхши поклагувчидирсан. Сен уларнинг хожаси – эгасисан. Эй Аллохим, калбларимизни мунофиқликдан, кўзларимизни хиёнатдан ва тилларимизни ёлгондан саклагин. Эй Аллохим, Қуръонни калбларимизга зиё, кўзларимизга нур қилгин! Бизни унга амал қилувчилардан ва унга чақирувчилардан қилгин. Эй Аллохим, бизни, ота-оналаримизни ва барча мусулмонларни мағфират қилгин. Эй Аллохим, пайгамбаримиз Мухаммадга, у зотнинг оила аъзоларига ва барча саҳобаларига салоту саломларингни юборгин. Омиён.

Мунофиқлик

Қуръони Каримнинг бир қанча оятларида (яъни уч юз қирқка яқин оятда) мунофиқлик ва мунофиқлар хақида – уларнинг сифатлари, хулқлари, шунингдек улар қофирларнинг ёмонларидан эканлигини, борар жойлари дўзахнинг ҳам тубидалигини баён қилиб ўтилган. Мусулмонларнинг улар билан балоланиши очик қофирлар билан балоланишидан оғирроқ бўлгани, зарарлари ҳам қаттароқ бўлгани боис Аллох таъоло муъминларни оғохлантириб айтадики: **«...Улар душмандирлар. Бас, улардан эҳтиёт бўлинг!».** (Мунофиқун:4)

Ибн Қасир раҳимахуллох бу хақида шундай дейди: “Аллох субҳанаху ва таъоло мунофиқларнинг ташқи ҳолатлари билан алданиб қолмасликлари учун муъмин бандаларини уларнинг сифатларидан оғох этган. Зеро улардан эҳтиёт бўлмаслик, уларни аслида қофир бўлгани ҳолда “муъмин” деб эътиқод қилишдан қўнғилсиз ҳолатлар юзага келади. Қофир ва қосиқ қимсалар хақида яхши гумонда бўлишлик мумкин бўлмаган ишлар жумласидандир”.

Шубҳа йўқки, Аллох таъолонинг мунофиқлар сифатларини баён қилиб беришида улкан фойдалар бордир:

– Аллох таъоло муъминларни оғох этиб, мунофиқларнинг сифатлари ва ахволлари хақида хабар берди.

– Мунофикларнинг йўлидан юриш ҳамда уларнинг сифатлари билан сифатланишнинг ёмон оқибатидан огохлантирди.

– Муъминларни ростгўй бўлишга, калбларини поклашга ва ҳамда Аллохга таваккул этишга ундади.

Мунофикликнинг шаръий маъноси: “Калбдаги нарсанинг тескарисини сўзлаш ёки килиш”. Мунофик кимсанинг ичи билан ташкариси бир хил бўлмайди. Шунинг учун Аллох таъоло муъминларни сидк – ростгўйлик билан сифатлаганидек, мунофикларни кизб – ёлгончилик билан сифатлаган:

«...Аллох у мунофикларнинг шак-шубхасиз ёлгончи эканликларига ҳам гувоҳлик берур». (Мунофикун:1)

«Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, ўзлари муъмин бўлмаганлари холда “Аллохга ва охират кунига иймон келтирдик”, дейдилар». (Бакара:8)

Мунофикликнинг келиб чиқиши

Маккадаги мусулмонлар Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам билан Мадинага хижрат килган ва мадиналикларнинг уйларига Ислому кириб борган пайтда уларнинг орасида шундай кимсалар колдики, Аллох уларнинг Бадр жангидаги галабасидан кейин жонларини ва обрўларини саклаб қолиш максатида зохиран Исломуни қабул килдилар. Ибн Хишом ўз тарихларида улар хақида шундай ёзадилар:

“Уларга – Мадинадаги яхудларга хали ҳам жоҳилиятда юрган Авс ва Хазраж қабиласидан баъзи кимсалар келиб кўшилди. Улар ота-боболарининг динида қолиб, ўлимдан кўкрқанлари боис мунофик бўлишди. Улар зохириларида мунофикона мусулмонликни намойиш килган эдилару, ичлари – калблари яхудлар билан бирга эди: **«Иймон келтирган зотларга йўликканларида “Биз ҳам иймон келтирдик”, дейдилар. Ўзларининг шайтонлари (бошликлари) билан холи колганда эса: “Биз албатта сизлар билан биргамиз, факат (уларнинг устидан) кулмоқдамиз, холос” дейишада».** (Бакара:14)”

Мунофиклик аслида яхудлар таълими, хийлаю найрангларидан бўлиб, келиб чиқиши ҳам уларга бориб такалади.

Мунофикларнинг улар билан бўлган алоқаси – чин дўстлар алоқаси қаби кучли эди: **«(Эй Мухаммад), мунофик кимсалар ўзларининг ахли китоблардан (яхудийлардан) бўлган кофир биродарларига: “Касамки, агар сизлар (Мадинадан) кувиб чиқарилсангизлар, албатта бизлар ҳам сизлар билан бирга чиқиб кетурмиз ва сизлар тўгрингизда (сизларни ёрдамсиз колдириш, сизлар билан бирга чиқиб кетмаслик биздан сўралса) хеч қачон хеч кимга итоат этмасмиз. Агар сизларга қарши жанг қилинса, албатта биз сизларга ёрдам берурмиз”, – дейишларини кўрмайсизми?».** (Хашр:11)

Уларни факат ягона умумий – муштарак мақсад – Ислому ва мусулмонларга хийла қилишгина жамлайди, ўшанинг устида бир-бирларини дўст тутишади:

«(Эй Мухаммад), Аллохнинг қазабига дучор бўлган қавмуни (яхудийларни) дўст тутган кимсаларни (мунофикларни) кўрмадингизми? Улар (мунофиклар) сизлардан (яъни мусулмонлардан) ҳам, улардан (яъни яхудийлардан) ҳам эмасдилар! Яна улар (ўзларининг мунофик эканларини) билиб турган холларида (“Бизлар мусулмонлармиз”, деб) қасам ҳам ичарлар. Аллох улар учун қаттиқ азобни тайёрлаб қўйгандир! Дарҳақиқат, уларнинг қилган амаллари на қадар

ёмондир! Улар ўзларининг (ёлгон) касамларини калкон килиб олишиб, (одамларни) Аллохнинг йўлидан тўсдилар. Бас, улар учун хор килгувчи азоб бордир!». (Мужода:14-16)

Мунофикликнинг турлари

Мунофиклик икки турли бўлиб, бири катта (эътикодий) мунофиклик, иккинчиси кичик (амалий) мунофиклик.

Эътикодий мунофиклик:

Ибн Ражаб раҳимахуллох айтади: Инсон Аллохга, фаришталарига, китобларига, пайгамбарларига, охират кунига, қадарнинг яхшию ёмонлигига иймон келтиришни даъво қилади-да, калбида уларнинг барчасини ёки баъзисини бузадиган нарсани яшириб юради. **«Эй Пайгамбар, кофир ва мунофикларга қарши қурашинг ва уларга қаттиқ қўл бўлинг. Уларнинг жойлари жаҳаннамдир. Нақадар ёмон оқибат бу! Улар (яъни мунофиклар сизга етиб келган ҳақорат сўзларини) айтмаганларига касам ичадилар. Холбуки, қуфр сўзини аниқ айтган эдилар ва Исломга қирганларидан сўнг яна қуфрга қайтган эдилар ҳамда ўзлари ета олмаган нарсага (яъни пайгамбар жонига суикасд қилишга) қасд қилган эдилар».** (Тавба:73-74)

Бу оятдан ҳам кўриниб турибдики, мунофиклар кофирларнинг энг ёмонларидан ҳисобланадилар. Зеро, улар кофирликлари устига ёлгон, хиёнат, муъминларни алдаш каби ёмон ҳислатларни ҳам зиёда этишган. Аллох таъоло муъминлар уларнинг хийла-найрангларига алданиб қолмасликлари учун уларнинг сифатлари ҳақида оятларда муфассал гапириб ўтган.

Катта мунофикликнинг кўринишлари

Мунофикликнинг баъзиси катта бўлади, унинг соҳиби – масалан Абдуллох бин Убай ва бошқа шу каби мунофиклар – дўзахнинг энг тубида бўлади. Бу наънинг кўринишлари:

- Пайгамбар саллаллоху алайхи ва салламни ёки у зот олиб келган баъзи нарсаларни ёлгонга чиқариш.
- Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламни ёки у зот олиб келган баъзи нарсаларни ёмон кўриш.
- У зот хабарларини тасдиқ этишнинг вожиблигини эътикод қилмаслик.
- У зот буюруқларига итоат қилишнинг вожиблигини эътироф этмаслик.
- Ислом динининг заифлашувига ҳурсанд бўлиш ёки унинг қучайиб, қолиб бўлишини ёмон кўриш.

Булар Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам даврларида ҳам бўлган, у зотдан кейин ҳам давом этиб келган, балки у зотдан кейин янада кўпроқ бўлади... .

Мунофикларнинг ҳолатлари ва сифатлари зикр қилинган оятларга ҳамда бу оятлар ҳусусидаги муфассирларнинг сўзларига қараб бошқа кўринишларни ҳам қўшиш мумкин:

- Кофирларни қувватлаб, уларга муъминларнинг зарарига ёрдам бериш.
 - Муъминларни иймонлари, Аллох ва расулига итоат қилганлари учун устидан қулиб масҳара қилиш.
 - Аллох ва расулининг ҳукмидан юз ўгириш.
- Бу сифатлар кишини диндан чиқариб юборади – Аллох сакласин.
– Кофирларни қувватлаб, муъминларнинг зарарига уларга ёрдам бериш.

Бу мунофикларнинг хос сифатларидан биридир. Зеро улар сиртларида муъминлар билан бирга бўлсалар-да, ботинларида кофирлар билан биргадирлар. Улар кофирлар учун кўз-кулок, ёрдамчи, муслмонларнинг сир-асрорлари, заиф тарафларини очиб беришади.

«Эй муъминлар, яхудий ва насороларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар. Сизлардан кимки уларни дўст тутса, у албатта улардан(хисобланур). Албатта Аллох золим кавми хидоят килмас. Бас, сиз дилларида мараз бўлган кимсалар: "Бизга бирон бало етишидан кўркамиз", деган холларида улар (кофирлар) томонига шошаётганларни кўрасиз». (Моида:51-52)

«Бундай мунофикларга улар учун азоб борлигидан "хушхабар" бериб кўйинг! Улар муъминларни кўйиб, кофирларни дўст тутадилар. Улар ўша кофирлар олдидан куч-кудрат (азизлик) излайдиларми?! (Овора бўладилар). Зеро бор куч-кудрат (азизлик) Аллохникидир!». (Нисо:138-139)

Бундай дўст тутишлик ўз сохибининг эътиқоди бузуклигини кўрсатиб турибди. Чунки муъминларни яхши кўриш уларни дўст тутиш ва ёрдам беришни талаб этадиган бўлса, кофирларни ёмон кўриш улардан ва уларнинг тутган йўлларида пок бўлиш, уларга карши курашишни такозо килади. Агар биров муъминларга адоват килиб, уларни ёмон кўрса ҳамда кофирларни дўст тутиб, муъминларга карши уларга ёрдам берса, иймонининг асли хам бузилиб кетади.

– Ислом динининг сусайишига хурсанд бўлиш ёки диннинг голиб бўлишини ёмон кўриш.

Аллох таъоло бу сифатни мунофиклар хақида бир канча оятларда баён килиб берган. Зеро, улар кофирларни дўст тутганлари сабабли муслмонларни заифлаштиришга, уларнинг орасида фитна кўзгашга интиладилар.

«Агар сизларга бирон яхшилик тегса, бу уларни хафа килади. Агар сизларга бирон ёмонлик етса, бундан хурсанд бўладилар. Агар сабр-токат килсангиз ва Аллохдан кўрксангиз уларнинг найранглари сизларга ҳеч қандай зарар кила олмайди. Албатта Аллох улар килаётган амалларни ихота килгучидир». (Оли Имрон:120)

«Агар сизга бирон яхшилик (галаба ёки ўлжа) етса, бу уларни хафа килур. Агар сизга (Ухуд жангида бўлганидек) бирон мусибат етса: "Ишнинг олдини олибмиз" дейишиб, хурсанд бўлган холларида юз ўгириб кетурлар». (Тавба:50)

Бу сифатни ҳозирда сиёсатшунос, журналист ва бошқа ёлгончиларда кузатишимиз мумкин. Зеро улар бирон-бир диёрда муслмонлар яхшиликни кўлга киритадиган бўлсалар, бу хақида гамгин холда ўта совукконлик билан гапирадилар. Баъзан бунинг акси юзага чикса, кофирларнинг муваффақиятларини гурур билан ёритиб беришга ҳаракат киладилар. Улар ўзларининг бу килмишларини муслмонлардаги баъзи хато ва камчиликлар борлиги билан окламокчи бўладилар. Лекин уларнинг аксарияти мутлако дин ва дин гамидан йироқдирлар. Улар кўпинча яхуд ва насоролардан иборат дўстларини рози килишга интилишади. Бу эса уларнинг калбидаги амаллари – яхши кўриш ва хурсанд бўлиш ёки ёмон кўриб, газабланишнинг нотўғри эканини кўрсатиб туради.

Амалий мунофиклик:

Инсон ўзини солих килиб кўрсатиши ва айна пайтда ичида бунга зид бўладиган нарсани яшириб юриши амалий мунофикликдир. Улар куйидаги беш сифатдир:

- Сўзлаганда ёлгон сўзлайди.
- Агар ваъда берса, хилоф килади. Бу икки хил бўлади:
 - Ваъда берадию, биров нияти ваъдага вафо килмаслик бўлади.
 - Ваъда килади. Ниятида аввал вафо килиш бўладию, биров кейинчалик узрсиз ваъдасига вафо килмайди.
- Хусуматлашиб колса, фожирлик (зўравонлик) йўлини тутлади. Яъни хакни билиб туриб, ундан касддан юз буради, хатто хакни ботилга, ботилни эса хакка айлантормокчи бўлади.
- Ахд богласа, бузади. Ахдига вафо килмайди. Ахдни бузиш –гарчи кофирлар билан бўлса ҳам–, харомдир.
- Омонатга хиёнат килади.

Бу турдаги мунофиқлик инсонни диндан чиқариб юбормайди.

Имом Нававий дейдилар: «Олимлар, калби ва тили билан динни тасдиқловчи муъмин бу ишларни килиб кўйса, ундай кимсага “кофир” ёки “дўзахда абадий колувчи мунофиқ” деб хукм қилинмаслигига иттифок қилишган».

Ёлгончилик, ваъдага вафо килмаслик, риё, хиёнат каби кичик мунофиқлик турлари муслмонлар жамиятида кенг тарқалиб кетган. Бу хислатлар гарчи кичик мунофиқлик туридан бўлса-да, баъзан диндан чиқариб юборувчи катта мунофиқликга олиб боради.

«Аллохга берган ваъдаларига хилоф қилганлари ва ёлгон гапирувчи бўлганлари сабабли (Аллох) уларга то Унинг ўзига рўбарў бўладиган кунгача дилларида мунофиқлик бўлишини оқибат қилиб кўйди». (Тавба:77)

Катта ва кичик мунофиқлик ўртасидаги фарқлар:

- Катта мунофиқлик ўз сохибини диндан чиқариб юборади, кичиги эса чиқармайди.
 - Катта мунофиқлик барча амалларни беҳуда-бесамар кеткизади.
 - Катта мунофиқлик эътиқодда зохир ва ботиннинг хар хил бўлиши, кичиги эса амалларда зохир ва ботиннинг бир хил бўлмаслигидир.
 - Катта мунофиқлик ўз сохибини – агар шу холда ўладиган бўлса – дўзахда абадий колдиради.
 - Катта мунофиқлик муъмин тарафидан содир этилмайди. Кичик мунофиқлик эса гоҳо муъмин тарафидан ҳам содир этилиши мумкин.
- Аллох таъоло барчамизни мунофиқликнинг хар иккала туридан ҳам саломат қилсин! Омийн.